




**Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ҳузуридаги жамоатчилик  
кенгашининг 2025 йил I-чорак якунлари бўйича ўтказилган йиғилиш  
БАЁНИ**

2025 йил 8 апрель

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:**

А.Садиков – Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги бош директори

**Кенгаш аъзолари:**

А.Алимов - “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти юрисконсульти  
Э.Мусаев Тошкент давлат юридик университети профессори;  
Ф.Керимов Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Илм ва инновациялар Маркази раҳбари, спорт фаҳрийси  
Ҳ.Омонов Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича директор маслаҳатчиси  
Б.Наримонов Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири;  
Б.Марданаев – “Маҳалла” радиоканали мутахассиси;  
У.Намозов – “Севимли” телеканали муҳбири;  
Ш.Мўминджанов Ўзбекистон Спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи;  
Ж.Хасанов Ўзбекистон Миллий параолимпия қўмитаси раис ўринбосари;  
З.Гулямов Ўзбекистон Спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.  
З.Хайдаров Ўзбекистон Спорт вазирлиги мутахассиси  
қўмитаси мутахассиси

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлигининг 2025 йил I чорак фаолияти юзасидан ўрганишлар олиб бориш

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-124-сонли Фармони асосида фуқаролик жамиятига ижтимоий буюртмалар бериш тўғрисида

3. Бошқа масалалар.


Кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб, кенгаш йиғилишида агентликнинг 2025 йил I чорак якунлари бўйича фаолияти юзасидан агентликнинг Терапевтик истиснолар ва илмий тадқиқотлар бўлими бошлиғи А.Солиев ҳисобот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-124-сонли Фармони асосида фуқаролик жамиятига ижтимоий буюртмалар бериш тўғрисидаги Фармонида ҳар йили вазирлик ва идоралар фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этади. Бунда танловлар устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга муросасиз муҳитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилади деб белгиланган. Шунга кўра, агентлик томонидан 2025 йил давомида Миллий антидопинг агентлиги томонидан ишлаб чиқилган [ta'lim.uznada.uz](http://ta'lim.uznada.uz) ва [dori.uznada.uz](http://dori.uznada.uz) платформаларидан фойдаланиш бўйича спорт федерациялари, спортчилар ва спорт мураббийлари ва персоналларининг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган видеороликлар тайёрлаш бўйича агентлик расмий веб-сайтида эълон берилиши белгиланди.

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Миллий антидопинг агентлигининг 2025 йил I чорак ҳисоботи қабул қилинсин.
- Фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий буюртма бериш бўйича агентлик веб-сайтида эълон берилсин ва танлов ўтказилсин.

Йиғилиш баёнини тузди



Х.Омонов